



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI



2021 йил учун

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
TЎЛОВ БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО
ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ
ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ

2021

КИРИШ

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тайёрланган. Нашрда 2005-2021 йиллар учун мамлакатнинг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, улар Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013) мувофиқ тайёрланган.

Ташқи қарз бўйича янги ҳисобот шаклларини жорий этиш ХВЖнинг маълумотларни тарқатиш махсус стандартини татбиқ этиш доирасида, фойдаланувчиларни янги маълумотлар қаторлари билан таъминлаш учун амалга ошириб келинмоқда.

Ҳисоб юритишнинг методологияси ўзгарганда ва қўшимча маълумотлар олинганда илгари нашр этилган тарихий қаторларга тегишли тузатишлар киритилади. Бунда, резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги операциялар бўйича ҳисоботлар, хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этган маълумотлар, аниқланган статистик фарқлар ва ташқи савдо статистикасига аниқлик киритилиши илгари нашр этилган тарихий қаторларни қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Солиштирма таҳлилни баён этишда айрим нисбий кўрсаткичлар, шунингдек кузатилаётган ўзгаришлар бўйича экспертлик фикрлари, умумиқтисодий вазиятнинг ривожланиши шароитида, уларни тушунишни осонлаштириш мақсадида келтирилмоқда. Тўлов баланси бўйича методологик изоҳ ҳамда маълумотларнинг манбалари ва тузилиши бўйича тушунтиришлар ушбу нашрнинг охирида, алоҳида бўлимда келтирилди.

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2022 йилнинг март ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Ушбу шарҳда келтирилган жадваллардаги рақамлар яхлитланганлиги сабабли, яқуний рақам ва қўшилувчиларнинг йиғиндиси ўртасида жузъий фарқлар бўлиши мумкин.

Тўлов баланси, халқаро инвестицион позиция ҳамда жами ташқи қарз бўйича таҳлилий кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> веб-сайтида жойлаштирилган. Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позициянинг таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар ХВЖнинг <http://data.imf.org/> манзили орқали ҳам тақдим қилинмоқда.

Нашрга тааллуқли савол ва таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қуйидаги телефон рақамлари ёки электрон почта манзиллари орқали муурожаат қилиш лозим:

(+998) 71 212-60-38
j.fayzullaxodjaev@cbu.uz

Ж.Х. Файзуллахўжаев
Валютани тартибга солиш ва тўлов
баланси департаменти директори

(+998) 71 212-60-76
r.mirzaahmedov@cbu.uz

Р.М. Мирзаахмедов
Департамент директори ўринбосари -
тўлов баланси бошқармаси бошлиғи

(+998) 71 212-60-42
z.irgashev@cbu.uz

З.Ф. Иргашев
Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

Нашр чораклик асосда, ҳисобот чорагидан кейинги чоракнинг охирида ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилади.

Марказий банк жамоаси Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарз ҳисоботларини тузиш учун маълумотларни тақдим этиш борасидаги ҳамкорлик учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларга **ўз миннатдорчилигини билдиради** ҳамда кейинги самарали ҳамкорликка умид қилиб қолади.

МУНДАРИЖА

АННОТАЦИЯ.....	5
I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ	8
ЖОРИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ	8
ТОВАРЛАР	10
ХИЗМАТЛАР	15
БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР	17
ИККИЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР	18
КАПИТАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ.....	20
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ.....	21
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ВА ПОРТФЕЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	22
БОШҚА ИНВЕСТИЦИЯЛАР	23
II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ	27
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СЕКТОРИ.....	28
БАНК СЕКТОРИ.....	29
БОШҚА СЕКТОРЛАР.....	30
III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ҚАРЗИ	32
2005 – 2021 йиллар учун ТЎЛОВ БАЛАНСИ.....	39
2005 – 2021 йиллар учун ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯ	42
2005 – 2021 йиллар учун ЯЛПИ ТАШҚИ ҚАРЗ	46
2005 - 2021 йиллар учун ТОВАРЛАР ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ	49
2020 – 2021 йиллари учун ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИ ТУЗИЛМАСИ	50
2019 – 2021 йилларда ЮҚОРИ КОЭФФИЦИЕНТЛИ ТОВАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИ БИЛАН ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР	52
2019 – 2021 йилларда ЮҚОРИ КОЭФФИЦИЕНТЛИ ТОВАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИ БИЛАН ИМПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР	56
2020 – 2021 йиллар учун ТОВАРЛАР БИЛАН САВДОНИНГ ЖЎҒРОФИЙ ТУЗИЛМАСИ.....	63
2019 – 2021 йиллар учун КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАВСИФНОМА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАРНИНГ БАЛАНСИ.....	69
2019 – 2021 йиллар учун ШАХСИЙ ТРАНСФЕРТЛАР.....	74
2019 – 2021 йиллар учун БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР БАЛАНСИ.....	76
2019 – 2021 йиллар учун ИККИЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР БАЛАНСИ	77
2020 - 2021 йиллар давомида ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР СОФ КЕЛИБ ТУШИШИ *	78
2021 йил учун ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯ	79
2021 йил учун ДАВЛАТ БОШҚАРУВ СЕКТОРИНИНГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ.....	80
2021 йил учун БАНК СЕКТОРИНИНГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ.....	81
2021 йил учун БОШҚА СЕКТОРЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ.....	82
2021 йил учун ХУСУСИЙ ТАШҚИ ҚАРЗ БЎЙИЧА ТУШУМЛАР ВА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ ..	83
АСОСИЙ ҚАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ	84
МЕТОДОЛОГИК ИЗОҲ	91
Фойдаланилган Атамалар Луғати.....	100

АННОТАЦИЯ

2021 йил давомида Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси кўрсаткичларининг шаклланишига ички ва ташқи бозорлардаги иқтисодий фаолликнинг тобора ошиши, ташқи савдо айланмаси ва пул ўтказмалари хажмларининг ўсиши, глобал бизнес муҳитининг мувозанатлашуви каби омиллар ўз таъсирини кўрсатди.

Юқоридаги омиллар таъсирида 2021 йил учун жорий операциялар ҳисоби дефицити дастлабки эълон қилинган кўрсаткич доирасида 4,8 млрд. доллар (2020 йилда 3,0 млрд. доллар), ЯИМга нисбатан 7 фоиз даражасида шаклланди. Бунда, савдо балансининг (товарлар ва хизматлар) манфий сальдоси (11,4 млрд. доллар) бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси (6,6 млрд. доллар) ҳисобига қисман қопланди.

Молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 6,3 млрд. долларни (2020 йилда 4,1 млрд. доллар) ташкил этиб, бу кўрсаткич резидентларнинг молиявий активлари 46 фоизга ёки 3,3 млрд. долларга, мажбуриятлари эса 10 фоизга ёки 1,1 млрд. долларга қисқариши туфайли ҳосил бўлди. Молиявий активларнинг қисқариши асосан монетар олтиннинг жаҳон бозорларидаги нархи ўзгариши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасига чет элдан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф ҳажми 2,0 млрд. долларни ташкил қилди (1,7 млрд. доллар 2020 йилда). Шу билан бирга, капиталга соф инвестициялар (маҳсулот тақсимотида оид битимлар бўйича операциялар бундан мустасно) – 1,9 млрд. долларни, бош офисдан жалб қилинган қарзлар – 435,0 млн. долларни, маҳсулот тақсимотида оид келишувлар асосида ишлаётган корхоналар томонидан инвестицияларнинг соф сўндирилиши – 325,0 млн. долларни ташкил қилди.

Портфель инвестициялари бўйича соф мажбуриятлар 2,0 млрд. долларга ўсиб давлат (895,3 млн. доллар) ҳамда бошқа секторлар (1,1 млрд. доллар) томонидан халқаро бозорларда қарз инструментларини (евробондларни) жойлаштириш билан изоҳланади.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакат ва мамлакат резидентларининг (юримдик ва жисмоний шахсларнинг) чет эл валютасидаги активлари 70,4 млрд. долларни, ташқи мажбуриятларининг ҳажми эса 53,6 млрд. долларни ташкил этди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон резидентларининг ташқи активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги соф фарқ 2021 йил бошига нисбатан 17 фоизга ёки 3,5 млрд. долларга қисқариб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 16,8 млрд. долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи жорий йил бошига нисбатан 16 фоизга ёки 5,4 млрд. долларга ошиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига 39,6 млрд. долларни (2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 34,2 млрд. доллар) ташкил қилди. Хусусан, 2021 йил бошига нисбатан давлат ташқи қарзи 11 фоизга ёки 2,4 млрд. долларга ўсиб 23,7 млрд. долларни¹, давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарз эса 24 фоизга ёки 3,0 млрд. долларга ўсиб 15,8 млрд. долларни ташкил этди.

¹Давлат ташқи қарзи бўйича маълумот Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган бўлиб, ташқи қарз бўйича қарздорликнинг қолдиғини ҳисоблашда ҳисобланган, аммо тўланмаган фоизлар ҳам инобатга олинган. Шунингдек, халқаро молия бозорларида чиқарилган еврооблигациялар 2021 йил якунидаги бозор нархларида акс эттирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СЕКТОРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

млрд.доллар

	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Жорий операциялар ҳисоби сальдоси (млрд. долл.)	1,1	1,7	1,8	3,2	1,8	2,3	2,8	1,2	1,3	2,1	0,9	0,2	1,5	-3,6	-3,4	-3,0	-4,8
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	8%	10%	8%	11%	5%	5%	5%	2%	2%	3%	1%	0%	3%	-7%	-6%	-5%	-7%
Товар ва хизматлар экспорти (давр учун, млрд. долл.)	5,6	6,7	9,3	11,8	12,1	12,1	14,2	13,0	13,6	12,9	11,8	10,5	12,4	14,1	17,0	14,5	16,4
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	38%	38%	41%	39%	36%	26%	25%	20%	20%	17%	14%	13%	21%	28%	29%	25%	24%
Товар ва хизматлар импорти (давр учун, млрд. долл.)	5,0	5,8	8,4	11,4	11,8	12,6	15,6	16,8	17,3	16,4	14,7	14,5	16,5	23,4	26,6	22,6	27,8
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	34%	34%	37%	38%	35%	27%	28%	26%	25%	21%	18%	18%	28%	47%	46%	39%	40%
Резидентлар томонидан қабул қилиб олинган трансегаравий пул ўтказмалари (давр учун, млрд долл.)	0,8	1,4	2,3	3,8	2,7	3,4	4,9	6,4	7,5	6,5	3,9	3,7	4,8	4,9	5,8	5,9	8,0
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	5%	8%	10%	13%	8%	7%	9%	10%	11%	8%	5%	5%	8%	10%	10%	10%	11%
Соф тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (соф - оқим) (давр учун, млрд долл.)	0,2	0,2	0,7	0,5	0,6	1,7	1,6	0,7	0,7	0,8	1,0	1,7	1,8	0,6	2,3	1,7	2,0
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	1%	1%	3%	2%	2%	4%	3%	1%	1%	1%	1%	2%	3%	1%	4%	3%	3%
Соф портфель хорижий инвестициялар (соф - оқим) (давр учун, млрд долл.)	0,0	0,0	0,0	0,0	-0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,3	1,4	2,0
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	2%	2%	3%
Соф ташқи қарз, евробондлардан ташқари (соф - оқим) (давр учун, млрд долл.)	-0,4	-0,5	-0,1	-0,0	0,9	0,3	0,2	0,4	1,6	1,9	1,5	1,4	1,0	2,1	5,9	7,1	4,4
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	-3%	-3%	0%	0%	3%	1%	0%	1%	2%	3%	2%	2%	2%	4%	10%	12%	6%
Халқаро захиралар, ялпи (млрд. АҚШ долл. давр охири учун)	2,6	4,4	7,3	9,0	11,9	14,2	18,0	22,1	22,5	24,1	24,3	26,4	28,1	27,1	29,2	34,9	35,1
<i>Товарлар ва хизматлар импорти ойларига мос равишда</i>	6,3	9,1	10,4	9,5	12,2	13,5	13,9	15,8	15,6	17,7	19,9	21,9	20,5	13,9	13,2	18,6	15,2
Номонетар олтин экспорти (тоннада)	80	40	60	147	87	60	70	10	37	30	50	70	80	70	110	100	70
<i>Олтиннинг дунё нархлари (даврга нисбатан ўртача)</i>	476,5	600,0	729,3	855,8	1 000,7	1 247,6	1 553,2	1 640,7	1 439,0	1 229,2	1 149,1	1 161,8	1 239,1	1 277,8	1 405,6	1 734,2	1 840,2
Долларнинг сўмга нисбатан курси (йилига ўртача)	1 090,3	1 220,0	1 243,4	1 296,5	1 467,9	1 586,5	1 715,1	1 889,9	2 095,5	2 310,9	2 567,9	2 965,7	5 121,0	8 069,0	8 836,8	10 055,8	10 609,7
Маълумот учун: ЯИМ жорий нархларда (давр охирига млрд. долл.)	14,6	17,3	22,7	30,1	33,6	46,7	56,5	63,6	69,0	76,7	81,8	81,8	59,1	50,4	57,7	57,7	69,2

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ

ЖОРИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ


2021 йил якунлари бўйича жорий операциялар ҳисобининг сальдоси манфий бўлиб, 4,8 млрд. долларни ташкил қилди (2020 йилда 3,0 млрд. долл.). Жорий операциялар таркибида жами савдо айланмаси (товарлар ва хизматлар) 44,2 млрд. долларни, бирламчи ва иккиламчи даромадлар эса 12,2 млрд. долларни ташкил этди.

Бунда трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли миқдорда ўсишига қарамай, товарлар импортининг кўрсаткичлари юқори бўлганлиги, жорий операциялар ҳисобининг сальдоси дефицит билан шаклланишига асосий сабаб бўлди (1-диаграмма).

1-диаграмма

ЖОРИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИНИНГ КОМПОНЕНТЛАР БЎЙИЧА САЛЬДОСИ

(млн. доллар)



2021 йилда жорий операциялар ҳисобининг даромадлар қисмида ўтган йилга нисбатан 18,4 фоизга, харажатлар қисмида эса 23,4 фоизга ўсиш кузатилди. (2-жадвал).

ЖОРИЙ ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СТРУКТУРАСИ

(млн. долл.)

Кўрсаткичлар	2019	2020	2020				2021	2021				Ўзгариш (2020 йилга нисбатан)
			I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	
Жорий даромадлар	25 990,6	21 762,6	4 999,3	4 466,5	7 995,1	4 301,7	25 766,6	3 935,1	6 781,9	6 029,9	9 019,6	18,4%
<i>Экспорт</i>	16 993,4	14 531,7	3 216,1	2 894,3	5 964,8	2 456,6	16 399,4	2 372,2	4 588,9	3 198,7	6 239,6	12,9%
<i>Товарлар</i>	13 898,6	12 832,2	2 609,3	2 579,2	5 616,2	2 027,5	14 142,3	1 947,7	4 025,3	2 536,1	5 633,1	10,2%
<i>Олтинсиз</i>	8 746,3	6 974,8	1 565,4	1 458,9	1 933,1	2 017,4	10 032,5	1 947,7	2 638,8	2 536,15	2 909,8	43,8%
<i>Хизматлар</i>	3 094,8	1 699,5	606,8	315,0	348,6	429,1	2 257,1	424,5	563,6	662,6	606,5	32,8%
<i>Ҳисобланган бирламчи даромадлар</i>	2 956,9	1 583,0	634,7	361,3	398,1	189,0	2 377,9	314,5	727,3	649,8	686,2	50,2%
<i>Ҳисобланган иккиламчи даромадлар</i>	6 040,3	5 647,9	1 148,6	1 210,9	1 632,3	1 656,1	6 989,3	1 248,4	1 465,8	2 181,3	2 093,8	23,8%
Жорий харажатлар	29 356,6	24 770,0	5 879,6	5 491,5	6 368,9	7 030,0	30 573,8	6 055,0	7 962,7	7 888,0	8 668,1	23,4%
<i>Импорт</i>	26 550,8	22 559,6	5 356,0	4 976,4	5 789,4	6 437,8	27 769,8	5 583,3	7 154,0	7 199,0	7 833,5	23,1%
<i>Товарлар</i>	21 190,0	19 048,3	4 291,4	4 290,1	4 998,3	5 468,6	23 046,4	4 738,3	5 959,0	5 894,8	6 454,3	21,0%
<i>Хизматлар</i>	5 360,9	3 511,3	1 064,7	686,3	791,1	969,2	4 723,4	845,0	1 195,0	1 304,2	1 379,2	34,5%
<i>Ҳисобланган бирламчи даромадлар</i>	2 220,1	1 774,6	393,1	427,2	465,2	489,1	2 174,1	364,2	640,6	535,0	634,3	22,5%
<i>Ҳисобланган иккиламчи даромадлар</i>	585,7	435,8	130,5	87,9	114,3	103,1	629,9	107,5	168,1	154,0	200,3	44,5%
Жорий ҳисоб сальдоси	-3 366,0	-3 007,4	-880,3	-1 025,0	1 626,2	-2 728,3	-4 807,2	-2 119,9	-1 180,7	-1 858,2	351,5	

Шундай қилиб, 2021 йил якунига кўра, савдо баланси (халқаро хизматларни ҳисобга олган ҳолда) манфий сальдоси, ТБҚ6 методологиясига мувофиқ, 11,4 млрд. долларни, бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси эса 6,6 млрд. долларни ташкил этди.

ТОВАРЛАР


2021 йилда ташқи савдо айланмаси (номонетар олтин ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда²) 37,2 млрд. долларни ташкил этди (2020 йилда 31,9 млрд. долл.). Бунда, экспорт ва импорт ҳажмлари мос равишда 14,1 млрд. ва 23,0 млрд. долларга тенг бўлиб, савдо балансининг дефицити 8,9 млрд. долларни ташкил этди.

2021 йилда товарлар экспорти (номонетар олтин экспорти ва тузатишларни ҳисобга олмаган ҳолда) ўтган йилга нисбатан 43 фоиз ёки 3,0 млрд. долларга ўсди (2020 йилда 22 фоиз ёки 2,0 млрд. долларга камайган). Жорий йилда экспорт таркибидаги табиий газнинг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 50 фоизга ўсиб 688,9 млн. долларни ташкил қилди. Бунда, табиий газ экспортининг 84 фоизи Хитойга, 11 фоизи Россияга, 4 фоизи Тожикистонга ва 1 фоизи Қирғизистонга тўғри келди (2-диаграмма).

2-диаграмма

ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ КОМПОНЕНТЛАРИ

(млн. доллар)




² Чегара постларида ўтказилган сўров бўйича ҳисобланган мокилик савдоси ва хорижий самолётлар томонидан аэропортларда сотиб олинган маҳсулотлар (авиакеросин ва бошқалар) инобатга олинган

Жорий йилда товарлар импорти ҳажми ўтган йилга нисбатан 21 фоиз ёки 4,0 млрд. долларга ўсиш кузатилди (2020 йилда 10 фоиз ёки 2,1 млрд. долларга камайган) (3-диаграмма).

3-диаграмма

ТОВАРЛАР ИМПОРТИ КОМПОНЕНТЛАРИ

(млн. доллар)



2021 йилда умумий товарлар экспортининг 75 фоизи (номонетар олтинни ҳисобга олмаган ҳолда) олтита мамлакатга, шулардан 19 фоизи Хитой, 17 фоизи Россия ва Туркия, 10 фоизи Қозоғистон, 8 фоизи Қирғизистон ва 4 фоизи Тожикистонга тўғри келди (4-диаграмма).


Шу билан бирга, товарлар экспортининг асосий қисми “қимматбаҳо металллар ва тошлар” – 4,5 млрд. долларни (2020 йилда 5,9 млрд. доллар), “тўқимачилик ва тўқимачилик буюмлари” – 3,2 млрд. доллар (2020 йилда 2,1 млрд. доллар), “қимматбаҳо бўлмаган металллар ва улардан буюмлар” – 1,6 млрд. доллар (2020 йилда 1,1 млрд. доллар), “келиб чиқиши ўсимликка мансуб маҳсулотлар” – 1,2 млрд. доллар (2020 йилда 1,2 млрд. доллар), “минерал маҳсулотлар” – 961,6 млн. доллар (2020 йилда 714,4 млн. доллар), “кимё саноати маҳсулотлари” – 784,4 млн. доллар (2020 йилда 506,0 млн. доллар) ва “пластмассалар ва улардан буюмлар” – 427,3 млн. доллар (2020 йилда 340,7 млн. доллар) ташкил қилган бўлиб, ушбу товарлар гуруҳининг улуши жами товарлар экспорти ҳажмининг 90 фоизини ташкил этди (2020 йилда 94 фоиз) (5-диаграмма).

4-диаграмма

ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИНИНГ АСОСИЙ МАМЛАКАТЛАРИ

(номонетар олтин экспорти ҳисобга олинмаган)


(млн. доллар)



5-диаграмма

ЭКСПОРТ ТОВАРЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲЛАРИ

(экспортнинг умумий ҳажмига нормаллаштирилган)




Шу билан бирга, товарлар импортнинг асосий қисми “машиналар, ускуналар, механизмлар” – 6,2 млрд. доллар (2020 йилда 6,0 млрд. доллар), “қимматбаҳо бўлмаган металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар” – 3,2 млрд. доллар (2020 йилда 2,4 млрд. доллар), “кимё саноати маҳсулотлари” – 2,9 млрд. доллар (2020 йилда 2,4 млрд. доллар), “транспорт ускуналари” – 2,9 млрд. доллар (2020 йилда 2,2 млрд. доллар), “минерал маҳсулотлар” – 1,8 млрд. доллар (2020 йилда 1,3 млрд. доллар), “пластмассалар ва улардан буюмлар” – 1,4 млрд. доллар (2020 йилда 1,1 млрд. доллар) ва “келиб чиқиши ўсимликка мансуб маҳсулотлар” – 991,6 млн. доллар (2020 йилда 887,5 млн. доллар) каби гуруҳларга тўғри келмоқда. Уларнинг жами товарлар импортидаги улуши 78 фоизни кўрсатмоқда (2020 йилда 80 фоиз) (6-диаграмма).

6-диаграмма

ИМПОРТ ТОВАРЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲЛАРИ

(импортнинг умумий ҳажмига нормаллаштирилга)



2021 йил давомида асосий савдо ҳамкорлар билан товарлар импорти ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21 фоизга ўсиши кузатилди. Мазкур ўзгариш, ҳисобот даврида жаҳонда иқтисодий фаолликнинг тикланиши билан боғлиқдир. Хусусан, Туркия 74 фоизга, Қозоғистон 34 фоизга, Россия 29 фоизга ва Хитой 7 фоизга ўсган. Германия ҳамда Корея мамлакатларида мос равишда 6 ва 4 фоизга камайиш кузатилди. (7-диаграмма).


Асосий ҳамкор мамлакатларнинг жами импортдаги улуши 71 фоизни ташкил қилиб, бунда Россия 23 фоиз, Хитой 19 фоиз, Қозоғистон 12 фоиз, Туркия 8 фоиз, Корея Республикаси 7 фоиз ва Германия 3 фоиздан ташкил қилди. (2020 йилда ҳам мазкур мамлакатларнинг жами импортдаги улуши 71 фоизни ташкил қилиб, уларнинг ҳар бири мос равишда 21 фоиз, 21 фоиз, 10 фоиз, 6 фоиз, 9 фоиз ва 3 фоизга тенг бўлган).

Шу билан бирга, Европа мамлакатларининг импортдаги улуши 24,4 фоиздан 23,6 фоизга камайган бўлиб, мазкур ўзгариш импорт ҳажмида асосий савдо ҳамкорлари улушининг кўпайиши билан боғлиқ бўлди.

7-диаграмма

ТОВАРЛАР ИМПОРТИНИНГ АСОСИЙ МАМЛАКАТЛАРИ

(млн. доллар)




ХИЗМАТЛАР

Хизматлар бўйича халқаро савдонинг манфий сальдоси 2020 йилга нисбатан 36 фоизга ўсиб, 2,5 млрд. долларни ташкил қилди. Хусусан, сафарлар ва транспорт билан боғлиқ хизматларнинг манфий сальдоси ўтган йилга нисбатан мос равишда 85 фоиз ҳамда 28 фоизга ўсиб, бунга дунёда пандемия билан боғлиқ чекловлар юмшатилиши, асосан сафарлар билан боғлиқ хизматларнинг тикланиши юқори бўлганлиги, сабаб бўлди. (8, 9-диаграмма).

8-диаграмма

ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАР БЎЙИЧА

(млн. доллар)




Ҳисобот даврида хизматлар экспортининг ҳажми 2,3 млрд. долларни (2020 йилда – 1,7 млрд. доллар), хизматлар импорти эса 4,7 млрд. долларни ташкил этди (2020 йилда – 3,5 млрд. доллар). Жами хизматлар экспортининг 57 фоизи транспорт хизматларига тўғри келса, ушбу компонентнинг импортдаги улуши 49 фоизда шаклланди.

Шу билан бирга, жорий йилда туризм (сафарлар) билан боғлиқ халқаро хизматлар экспорти ўтган йилга нисбатан 60 фоизга, импорти эса 75 фоизга ошди. Хусусан, жорий йил давомида халқаро қатновлар сезиларли даражада тикланиши кузатилди.

ХИЗМАТЛАР ИМПОРТИ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАР БЎЙИЧА

(млн. доллар)



Транспорт хизматлари импортида темир йўл ва ҳаво транспорти билан боғлиқ хизматлар устунлик қилмоқда. Ҳисобот даврида темир йўл транспорти хизматлари 2020 йил даражасида шаклланиб 1,2 млрд. долларни, ҳаво транспорти хизматлари бўйича эса ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробардан ошиб 540 млн. долларга (2020 йилда – 231 млн. доллар) етди.

Шунингдек, автотранспорт хизматлари импорти 423 млн долларга (2020 йилда – 257 млн. доллар) ва бошқа турдаги транспорт хизматлари 156 млн долларга (2020 йилда – 122 млн. доллар) тенг бўлди.

БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР

2021 йилда бирламчи даромадлар бўйича ижобий сальдо 203,8 млн. долларга тенг бўлди (2020 йилда 191,6 млн. доллар манфий сальдо) (10-диаграмма). Бирламчи даромадлар сальдосининг мусбат кўринишда шаклланишига асосан ҳисобот йилининг II чорагидан бошлаб Ўзбекистоннинг хориждаги қисқа муддатли меҳнат муҳожирлари сони сезиларли даражада ошиши ва уларга ҳисобланган даромадлар аввалги йилларга нисбатан ўсиши билан боғлиқдир.


Қисқа муддатга хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан олинган иш ҳақи миқдори “Даромадлар” моддасининг асосий манбаси бўлиб, 2,3 млрд. долларни ташкил қилди (2020 йилда 1,4 млрд. доллар).

Резидентларнинг инвестициялардан олган даромадлари ўтган йилга нисбатан 69 фоизга қисқариб ҳисобот даврида 45,5 млн. долларни ташкил этди (2020 йилда 145,1 млн. доллар). Бу ўзгариш халқаро захираларни жойлаштиришдан олинган даромадлар қисқариши билан боғлиқ бўлиб, улар 38,6 млн. долларга (2020 йилда 137,2 млн. доллар) тенг бўлди. Даромадларнинг қолган қисми асосан резидент банкларнинг чет эл банкларидаги вакиллик ҳисобварақлари ва резидентларнинг хориждаги депозитларидан олинган даромадлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

10-диаграмма

БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

(млн. доллар)



Норезидентларнинг Ўзбекистонга киритган инвестицияларидан олган даромадлари 2,0 млрд. долларни (2020 йилда 1,7 млрд. доллар) ташкил этиб, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан олинган даромадлар 917,5 млн. доллар (2020 йилда 848,7 млн. доллар), жалб қилинган қарзлар учун ҳисобланган фоизлар 917,9 млн. доллар (2020 йилда 745,6 млн. доллар) ва суверен облигацияларга ҳисобланган фоизлар 196,5 млн. доллар (2020 йилда 79,3 млн. доллар) ҳисобига тўғри келди.

ИККИЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР


Иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 6,4 млрд. доллар бўлиб, (2020 йилда 5,2 млрд. доллар), бу асосан хориждаги узоқ муддат фаолият юритаётган мигрантларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари ҳисобига таъминланди.

Халқаро пул ўтказмалари жисмоний шахслар томонидан резидентларга (уй хўжаликларига) чет элдан юборилган трансферт ўтказмалари ҳисобланиб, улар иккиламчи даромадлар моддаси компонентларининг асосий қисмини ташкил этади. Бунда, уй хўжаликларига трансферт пул ўтказмалари асосан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушмоқда. (11-диаграмма).

11-диаграмма

ЖОРИЙ ТРАНСФЕРЛАР

(млн. доллар)



Иккиламчи даромадлар бўйича тушумлар, олдинги даврлардаги каби, мавсумий характерга эгаллигини кўрсатди. Халқаро пул ўтказмаларининг норасмий сектордан расмий секторга ўтиши ҳамда хорижда меҳнат мухожирларнинг сонини сезиларли даражада ошиши 2021 йил якунлари бўйича трансчегаравий пул ўтказмаларининг ўсиш трендига қўллаб-қувватловчи таъсир кўрсатди. Бунда, Ўзбекистон фуқароларига келиб тушувчи трансчегаравий пул ўтказмаларининг бир қисми уларнинг доимий равишда чет элда бўлган шахслар томонидан жўнатилмоқда. (12-диаграмма).


Қайд этиш лозимки, амалиётда пул ўтказмалари нафақат қисқа муддатли ишчилар ва норезидентлар (бир йилдан ортиқ муддат давомида чет элда бўлган ишчилар) томонидан оилаларига маблағ юбориш мақсадида балки ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китоблар мақсадида ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларнинг чегара орқали ҳаракатланиши билан боғлиқ чекловлар юмшатилиши нақд валюта оқимлари кириб келишининг ўсишига сабаб бўлмоқда.

12-диаграмма

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТУШУМЛАРНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

(млн. доллар)




КАПИТАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ

Жорий йилда капитал билан боғлиқ операциялар ҳисобининг ижобий сальдоси 32,2 млн. долларни (2020 йилда 25,2 млн. доллар) ташкил этди. Бу асосан хориждан тушган беғараз ёрдам маблағларига тўғри келади(13-диаграмма).

13-диаграмма

КАПИТАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ТУШУМЛАР

(млн. доллар)



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

Молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 6,3 млрд. долларни (2020 йилда 4,1 млрд. доллар) ташкил этиб, бу кўрсаткич резидентларнинг молиявий активлари 46 фоизга ёки 3,3 млрд. долларга, мажбуриятлари эса 10 фоизга ёки 1,1 млрд. долларга қисқариши туфайли ҳосил бўлди. Молиявий активларнинг қисқариши асосан монетар олтиннинг жаҳон бозорларидаги нархи ўзгариши билан изоҳланади (3-жадвал).

3-жадвал

МОЛИЯВИЙ ТУШУМЛАР ВА ХАРАЖАТЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

(млн. доллар)

Кўрсаткичлар	2019	2019				2020	2020				2021	2021			
		I чор.	II чор.	III чор.	IV чор.		I чор.	II чор.	III чор.	IV чор.		I чор.	II чор.	III чор.	IV чор.
Молиявий ҳисоб	-5 065,1	-1 542,2	-1 172,4	-696,7	-1 653,8	-4 119,0	-1 322,9	-1 895,2	2 404,1	-3 305,0	-6 293,7	-2 066,5	-1 589,0	-2 351,2	-287,1
Молиявий активларнинг соф олиниши	4 036,9	766,9	795,9	355,8	2 118,2	7 048,2	611,0	453,8	4 275,1	1 708,2	3 792,1	-932,4	1 134,1	1 061,0	2 529,4
Хорижга тўғридан-тўғри инвестициялар	3,1	0,8	0,7	1,0	0,6	11,3	9,3	0,7	0,6	0,7	2,6	0,6	0,6	0,6	0,8
Портфел инвестициялар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Бошқа инвестициялар	2 627,2	-8,9	1 198,9	64,1	1 373,1	5 265,5	601,0	427,6	2 301,5	1 935,4	4 255,9	355,4	626,8	1 877,6	1 396,1
<i>улардан</i>															
<i>валюта ва депозитлар</i>	591,0	274,0	-303,6	39,6	580,9	3 149,4	390,4	221,5	892,2	1 645,2	3 282,0	272,0	235,7	1 537,0	1 237,4
<i>савдо кредитлари ва бўнақлар</i>	2 037,2	-282,9	1 504,9	23,8	791,4	2 112,8	210,1	203,0	1 409,6	290,2	970,0	82,5	388,9	339,3	159,3
Захира активлар	1 406,6	775,0	-403,6	290,7	744,5	1 771,4	0,7	25,5	1 973,0	-227,8	-466,4	-1 288,4	506,7	-817,3	1 132,5
Молиявий мажбуриятларнинг соф олиниши	9 102,0	2 309,1	1 968,3	1 052,6	3 772,0	11 167,2	1 934,0	2 349,0	1 871,0	5 013,2	10 085,8	1 134,0	2 723,1	3 412,2	2 816,5
Хориждан тўғридан-тўғри инвестициялар	2 316,5	221,3	832,1	448,9	814,2	1 728,2	244,6	448,3	367,4	667,9	2 044,5	251,4	876,2	603,6	313,2
Портфел инвестициялар	1 345,7	1 009,7	25,5	-8,9	319,5	1 389,4	1,4	11,2	-4,1	1 380,8	1 994,9	12,3	372,2	905,3	705,1
Молиявий деривативлар	-4,3	-0,4	-1,7	-0,3	-1,8	-6,4	-0,3	-1,7	-1,1	-3,2	-12,7	-3,2	-3,0	-3,5	-3,1
Бошқа инвестициялар	5 444,0	1 078,6	1 112,5	612,9	2 640,1	8 056,0	1 688,2	1 891,2	1 508,8	2 967,7	6 059,3	873,6	1 477,6	1 906,8	1 801,3
<i>улардан</i>															
<i>кредитлар ва қарзлар</i>	5 866,9	927,7	1 577,8	715,9	2 645,4	7 081,2	1 224,8	1 823,9	1 318,7	2 713,8	4 355,3	731,9	1 134,0	835,4	1 654,0
<i>савдо кредитлари ва бўнақлар</i>	-560,8	117,2	-597,5	-223,6	143,0	568,5	400,4	-191,5	135,5	224,2	856,2	84,6	257,8	312,3	201,5
<i>бошқа кредитор қарздорликлар</i>	80,4	61,0	111,7	94,7	-187,0	205,3	43,8	238,2	-10,1	-66,7	-3,4	72,3	74,8	9,4	-159,9

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ВА ПОРТФЕЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР


2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф кириб келиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18 фоизга кўпайиб 2,0 млрд. долларни ташкил қилди (2020 йилда 1,7 млрд. доллар).

Ҳисобот даврида мамлакатга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг капиталдаги соф ўсиши 1,5 млрд. долларга тенг бўлиб, мамлакатга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми маҳсулот тақсимотига оид битимлар (МТБ) доирасида инвестициялар репатриацияси ҳажмининг ортиши билан қисман қопланди. Бош компаниялардан олинган қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши 435,0 млн. долларни ташкил қилиб, 2020 йилга нисбатан қарийб 2,8 баробарга ўсиш кузатилди. Шунингдек, хорижий инвесторлар томонидан даромадларнинг реинвестиция қилиниши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоизга камайиб, 407,0 млн. долларга тенг бўлди (2020 йилда 419,3 млн. доллар). (14-диаграмма).

14-диаграмма

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

(млн. доллар)



2021 йилда портфел инвестиция операциялари сальдоси манфий кўринишда шаклланиб, 2,0 млрд. долларни ташкил қилди. Мазкур ҳолат ҳисобот даврида халқаро молия бозорларида жами 5 та халқаро облигациялар жойлаштирилиши билан изоҳланади.

Шундан:

- Давлат облигацияси 635 млн. долл. (3,9 фоиз ставкаси билан 10 йил муддатга);
- Давлат облигацияси 2,5 трлн. сўмга (14,0 фоиз ставкаси билан 3 йиллик муддатга);
- “ЎзНефтегаз” АЖ облигацияси 700 млн. долл. (4,75 фоиз ставкаси билан 7 йил муддатга);
- “ЎзАвто Моторс” АЖ облигацияси 300 млн. долл. (4,85 фоиз ставкаси билан 5 йил муддатга);
- “Ипотека банк” АЖ облигацияси 785 млрд. сўм (16,0 фоиз ставкаси билан 3 йил муддатга).

БОШҚА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Активлар


“Бошқа инвестициялар” компоненти бўйича активларнинг соф ўсиши 2021 йилда 4,3 млрд. доллар миқдорида шаклланди. Ушбу компонентнинг асосий таркибий қисми жисмоний шахс - резидентларнинг хорижий валютадаги жамғармалари, шунингдек, савдо кредитлари ва бўнаклари (*дебитор қарздорлик*) ҳисобланиб, уларнинг ўсиши мос равишда 3,3 млрд. доллар ва 970,0 млн. долларни ташкил этди.

“Валюта ва депозитлар” компонентининг иқтисодиёт секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, операцияларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг бошқа секторларига тўғри келмоқда, чунки хорижий валютадаги аҳоли жамғармаларининг ўсиши иқтисодиётнинг мазкур секторларида акс эттирилади. Мазкур компонентнинг ўсиши Ўзбекистоннинг чет элдаги мигрантлари даромадларини репатриация қилиш (қайтариш) туфайли аҳолининг хорижий валютадаги активлари доимий равишда кўпайиб бориши, шунингдек, резидент юридик шахсларнинг чет элдаги ҳисобварақаларига келиб тушаётган маблағлар эвазига таъминланиб келмоқда. (15-диаграмма).

15-диаграмма

«ВАЛЮТА ВА ДЕПОЗИТЛАР» КОМПОНЕНТИ БЎЙИЧА СОФ ЎЗГАРИШЛАР

(млн. доллар)



Банк секторининг валюта ва депозитлар компонентининг (*вакиллик ҳисобварақлари ва банк кассаларидаги қолдиқлар*) соф ўзгаришлари асосан импорт операциялари бўйича амалга оширилган тўловлар натижасида шаклланди. Натижада, 2021 йилнинг якунларига кўра, маҳаллий банкларнинг валюта ва депозитлардаги соф активлари 219,9 млн. долларга кўпайди. Бунга, 2021 йилнинг III ва IV чоракларида активларнинг соф ижобий динамикаси мос равишда 245,7 млн. ва 304,2 млн. долларга ўсиши асосий сабаб бўлди.

Ташқи савдо шартномалари бўйича норезидентларга юборилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича савдо кредитлари ва уларга тўланган бўнақлар бўйича операциялар сальдоси ижобий бўлиб, 970,0 млн. долларни ташкил қилди.

Мажбуриятлар

“Бошқа инвестициялар” компоненти бўйича 2021 йил мобайнида мажбуриятларнинг соф ўсиши 6,1 млрд. долларни ташкил қилди. Бунда асосий улуш (*72 фоизи ёки 4,4 млрд. доллар*) “Кредитлар ва қарзлар” компонентига тўғри келиб, асосан банклар ва номолиявий корхоналар томонидан жалб қилинган қарздорлик ҳисобига шаклланди.

“Кредитлар ва қарзлар” компонентининг иқтисодиёт секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, 2018 йилдан бошлаб давлат бошқарув сектори томонидан жалб қилинган қарзлар бўйича мажбуриятлар ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса, ҳисобот йилида ушбу қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф қабул қилиниши ўтган йилга нисбатан 1,9 млрд. долларга камайди ва жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 1,4 млрд. доллар миқдорида бўлди.


Банк секторининг кредитлар ва қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши 2021 йилда 1,2 млрд. долларни ташкил этди ва ушбу ўсиш банк секторининг хорижий банклар ва халқаро молия институтларидан маблағларни кейинги қайта молиялаштириш учун жалб қилиши билан боғлиқдир. [\(16-диаграмма\)](#).

Бошқа секторларнинг ташқи қарз операциялари бўйича сальдоси 1,7 млрд. доллар бўлиб, бу ўсиш асосан тоғ-кон металлургия саноати ва энергетика соҳаларидаги корхоналар томонидан янги қарзларнинг жалб қилиниши билан изоҳланади.

2021 йилда “Савдо кредитлари ва бўнақлар” компоненти (*кредитор қарздорлик*) бўйича мажбуриятлар ўтган йилга нисбатан 287,6 млн долларга ошиб, ҳисобот йилининг якуни бўйича 856,2 млн. долларни ташкил этди.

“КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАР” КОМПОНЕНТИ ТАРКИБИНИНГ СОФ ЎЗГАРИШЛАРИ

(млн. доллар)




1-киритма. Молиявий ҳисобда мажбуриятлар бўйича операциялар таркиби

Молиявий ҳисобда мажбуриятлар бўйича операциялар таҳлили шуни кўрсатдики, асосан ташқи дунё олдидаги мажбуриятлар бўйича оқимлар «Суда ва қарзлар», «Тўғридан-тўғри инвестициялар» ҳамда «Портфель инвестициялар» компонентларига тўғри келади.

2018 йилдан ссуда ва қарзларнинг улуши тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улушидан кўпроқ бўлди. Ушбу жараён саноат ва ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурларини молиялаштириш мақсадида давлат бошқаруви сектори томонидан олинган қарзлар ҳажмининг ошиши билан изоҳланади. Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб МТБ доирасида тўловларнинг кўпайиши сабабли тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қисқариши, ҳамда 2020 йилда пандемия сабаб «Суда ва қарзлар» компоненти ўсиши ўтган йилларга нисбатан энг юқори кўрсаткични қайд этди.

2021 йил натижаларига кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф ўсишига қарамай, банк ва бошқа секторлар томонидан ташқи қарзларнинг фаол жалб этилаётганлиги, «Суда ва қарзлар» компоненти ташқи дунё олдидаги мажбуриятларнинг соф ўсишида кўп улушга (68 фоиз) эга бўлди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда қарзларнинг молиявий ҳисобдаги мажбуриятларнинг соф ўсишидаги улушлари*

*Диаграмма асосий улушга эга компонентларни акс эттиради.

Амалиётлар бўйича кўрсаткичлар соф асосда қайд этилган.

Тўғридан-тўғри инвестициялар бош компаниялардан олинган қарзларни ўз ичига олади.

Ташқи қарзлар жалб қилиниши бош компаниялардан олинган қарзларни инобатга олмайди.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг соф инвестицион позицияси йил бошига нисбатан 17 фоизга ёки 3,5 млрд. долларга қисқариб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 16,8 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, мамлакатнинг чет эл валютасидаги активлари 70,4 млрд. долларни, ташқи мажбуриятларининг ҳажми эса 53,6 млрд. долларга тенг бўлди.


Кўриб чиқиладиган даврда соф инвестицион позициянинг ўзгариши таҳлили шунини кўрсатдики, нооперацион ўзгаришларнинг³ ижобий шаклланишига қарамай тўғридан - тўғри ва портфель инвестициялари бўйича мажбуриятлар ҳажмининг ўсиши, шунингдек ссудалар ва қарзлар ошиши соф инвестицион позициясига салбий таъсир этди.

Халқаро инвестицион позициянинг иқтисодий секторлари бўйича таҳлили шунини кўрсатдики, 2021 йил якунларига кўра, давлат бошқаруви сектори⁴ ва бошқа секторлар “соф кредитор”⁵, банк сектори эса “соф қарздор” туркумига оид бўлганлигини кўрсатмоқда (17-диаграмма).

17-диаграмма

ИҚТИСОДИЁТ СЕКТОРЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯ

(млн. доллар)



³Нооперацион ўзгаришлар валюталар курслари, активлар нархлари ва бошқа ўзгаришлардан ташкил топган бўлиб, улар молиявий ҳисобда операциялар сифатида акс эттирилмайди.

⁴Давлат бошқаруви сектори вазирликлар ва давлат идоралари ҳамда Марказий банкни ўз ичига олади. Банк секторига барча тижорат банклари киради.

⁵Соф кредитор - секторнинг активлари мажбуриятларидан ортиқ бўлса, соф қарздор – секторнинг мажбуриятлари активларидан ортиқ бўлса.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СЕКТОРИ

Активлар


2021 йил якунига кўра давлат бошқаруви секторининг жами активлари 1 фоизга ёки 235,9 млн. долларга ошиб, 35,1 млрд долларни ташкил этди. Ушбу ўсиш омили, Халқаро валюта жамғармаси томонидан умумий тақсимот доирасида жорий йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасига жами 528,3 млн. махсус қарз ҳуқуқи (МҚХ) (ХВЖ томонидан операция амалга оширилган кундаги МҚХ долларга нисбатан 753,6 млн. доллар) тақсимланиши ҳамда нооперацион ўзгаришлар (олтиннинг сотиб олиниши) ҳисобига юз берди. Шу билан бирга, валюта захираларидаги валюта ва депозитлар ўзгариши ҳамда монетар олтиннинг қайта баҳоланиши мос равишда 1,2 млрд. доллар ва 923,9 млн. долларга камайиши кузатилди.

Жорий йил бошидан халқаро молия бозорларида олтиннинг бир трой унцияси 1957,2 доллардан 1820,0 долларгача тушиши, давлат бошқарув секторининг инвестицион позициясига салбий таъсир кўрсатди. (18-Диаграмма)

18-диаграмма

ОЛТИН ХАЛҚАРО НАРХИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ

(доллар/трой.унцияга)



Мажбуриятлар

Давлат бошқаруви секторининг мажбуриятлари ХВЖ томонидан умумий тақсимот доирасида ажратилган МҚХ, шунингдек, давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ва давлат томонидан хизмат кўрсатилаётган ташқи қарздан иборатдир.

Бунда, портфель инвестициялари бўйича Молия вазирлиги томонидан 635 млн. доллар миқдорига ҳамда 2,5 трлн. сўм қийматидаги қимматли қоғозларни халқаро молия бозорида жойлаштирилиши, кредитлар ва қарзлар бўйича 1,4 млрд. доллар қарз жалб қилиниши шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси томонидан умумий тақсимот доирасида 753,6 млн. доллар қийматидаги МҚХ ажратилиши ҳисобига ортди.

Натijasида йил бошига нисбатан Давлат бошқаруви секторининг жами мажбуриятлари 15 фоизга ёки 2,5 млрд. долларга ошиб 1 январь ҳолатига 19,1 млрд. долларда шаклланди.

БАНК СЕКТОРИАктивлар

2021 йилда тижорат банкларининг жами ташқи активлари 195,6 млн. долларга ошиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 3,0 млрд. долларни ташкил қилди. Ушбу ўсиш сабаби хорижий банклардаги ностро ҳисобварақаларида валюта ва депозитларнинг ортиши билан изоҳланади.

Мажбуриятлар


2021 йил якунларига кўра, банк секторининг ташқи мажбуриятлари 18 фоизга ёки 1,3 млрд. долларга ўсиб ҳисобот даврининг охирига 8,3 млрд. долларни ташкил этди. Мажбуриятлар асосан “Суда ва қарзлар” – 1,0 млрд. долларга, “Тўғридан - тўғри инвестициялар” – 120,4 млн. долларга ва “Портфель инвестициялар” – 64,4 млн. долларга (*Жорий йилнинг II чорагида Ипотека банк АЖ томонидан 785 млрд. сўм қийматидаги қимматли қоғозларни 16,0 фоиз ставкаси билан 3 йиллик муддатга халқаро молия бозорида жойлаштирилди*) ўсиш кузатилди.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига банк секторининг норезидентлар олдидаги мажбуриятларининг 76,8 фоизи хорижий банклар ва халқаро молиявий муассасаларнинг кредит ва қарзларига тўғри келмоқда ([19-диаграмма](#)).

БАНКЛАРНИНГ НОРЕЗИДЕНТЛАР ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ ТУЗИЛИШИ


2021 йил 1 январь

- Тўғридан-тўғри инвестициялар
- Портфель инвестициялар
- Молиявий деривативлар
- Валюта и депозитлар
- Ссудалар и қарзлар



2022 йил 1 январь

- Тўғридан-тўғри инвестициялар
- Портфель инвестициялар
- Молиявий деривативлар
- Валюта и депозитлар
- Ссудалар и қарзлар

**БОШҚА СЕКТОРЛАР****Активлар**

2021 йил якунида бошқа секторларнинг жами ташқи активлари 32,3 млрд. долларни ташкил этиб ҳисобот даврида 14 фоизга ёки 4,1 млрд. долларга кўпайди. Активларнинг ўсиши “Валюта ва депозитлар” компоненти бўйича 3,1 млрд. долларга ўсиш кузатилиб, мазкур компонент Ўзбекистон Республикасининг чет элда ишлаётган фуқаролари даромадларининг репатриация қилиниши ҳисобига (*Ўзбекистонга қайтарилиши*) ҳамда “Савдо кредитлари ва бўнақлари” компоненти (*дебитор қарздорлик*) бўйича 969,8 млн. долларни ташкил этди.

Мажбуриятлар

2021 йилда бошқа секторларнинг жами мажбуриятлари 19 фоизга ёки 4,2 млрд. долларга ўсиб 26,3 млрд. долларга тенг бўлди. Бунда, бошқа секторларнинг мажбуриятлари ўсиши асосан “Ссуда ва қарзлар” (1,5 млрд. долларга), “Савдо кредитлари ва бўнақлар” (856,1 млн. долларга), “Портфел инвестициялар” (975,7 млн. долларга) ва “Тўғридан - тўғри инвестициялар” (869,2 млн. долларга) бўйича кузатилди.

“Тўғридан-тўғри инвестициялар” компоненти бўйича МТБ доирасида хорижий инвесторлардан келиб тушган маблағлар 544,9 млн. долларни⁶, шунингдек, хорижий инвесторларга ҳисобланган компенсацион тўловлар 869,8 млн. доллар ҳисобланиб, МТБ корхоналари бўйича инвестицияларнинг соф камайиши 325,0 млн. долларга тенг бўлди.

МТБ доирасида ишлайдиган корхоналарни ҳисобга олмаганда, 2021 йилда номолиявий корхоналар бўйича капиталга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф киритилиши 1,5 млрд. долларни, даромадларнинг реинвестицияси 407,0 млн. долларни, бош компанияларнинг қарз инструментлари шаклидаги соф инвестициялари эса 435,0 млн. долларни ташкил қилди. Бунинг натижасида, ушбу корхоналарга инвестицияларнинг соф ўсиши 2,0 млрд. доллар бўлишига сабаб бўлди.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича бошқа секторларнинг ташқи мажбуриятлари таркибида ўтган даврлар учун маълумотларда аниқланган статистик тузатишлар билан боғлиқ 1,0 млрд. доллар⁷ қийматидаги бошқа манфий нооперацион ўзгаришлар ҳам кузатилди.

⁶МТБ доирасида хорижий инвесторлардан келиб тушган маблағлар, хорижий инвестициялар оқими сифатида баҳоланади ва тўғридан-тўғри инвестиция сифатида акс эттирилади. Юқорида кўрсатилган маблағлар МТБ операторининг лойиҳа доирасида чет элда очилган мақсадли ҳисобварағига келиб тушган.

⁷Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва МТБ корхоналари томонидан янгиланган маълумотларнинг тақдим этилиши натижасида қайта кўриб чиқилди.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ҚАРЗИ


Умумий ташқи қарз резидентларнинг норезидентлар олдидаги асосий қарз ва фоизларни тўлаш талаб қилинадиган мажбуриятларини акс эттиради. Умумий ташқи қарз давлат қарзи ва давлат томонидан кафолатланган қарз (кейинги ўринда - давлат ташқи қарзи) ҳамда давлат томонидан кафолатланмаган (кейинги ўринда - хусусий ташқи қарз) қарзлардан иборат.

Умумий ташқи қарз ўсувчан тенденцияга эга бўлиб, ундаги ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатдики, давлат ташқи қарзи ўсиши ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини молиялаштириш учун янги қарзларнинг жалб қилиниши билан изоҳланса, хусусий секторда эса асосан тижорат банклари ва иқтисодиётнинг бошқа секторлари томонидан янги қарздорликларнинг жалб қилиниши ҳисобига ўсиш кузатилди. (20-диаграмма).

20-диаграмма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ТАШҚИ ҚАРЗИНИНГ ДИНАМИК ҚАТОРЛАРИ⁸

(млрд. доллар)



⁸2018 йилдан бошлаб ташқи қарз бўйича қарздорликнинг қолдиғини ҳисоблашда ҳисобланган, аммо тўланмаган фоизлар ҳам инобатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзи 2021 йилнинг бошига нисбатан 16 фоизга ёки 5,4 млрд. долларга ошган ҳолда, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 39,6 млрд. долларни ташкил қилди.⁹ (4-жадвал).

4-жадвал

УМУМИЙ ТАШҚИ ҚАРЗ ТАРКИБИ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР¹⁰

(млн. доллар)

Иқтисодиёт сектори	Қуйидаги саналар ҳолатига кўра қарздорлик			Салмоғи	2021 йил давомидаги ўзгариш
	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.		
Умумий ташқи қарз	24 633,5	34 169,2	39 558,8	100%	5 389,7
Давлат ташқи қарзи	15 869,6	21 358,1	23 725,5	60%	2 367,5
<i>шундан:</i> <i>Ўзбекистон Республикаси халқаро облигациялари*</i>	1 107,0	1 929,4	2 668,4	7%	739,0
Хусусий ташқи қарз	8 763,9	12 811,1	15 833,3	40%	3 022,2
<i>шундан:</i> <i>бош компанияларидан</i>	825,8	906,5	1 282,0	3%	375,5
Банк сектори	2 920,2	6 277,9	7 337,8	19%	1 059,9
<i>шундан, облигациялар*</i>	307,4	937,5	993,2	3%	55,8
Нефт-газ ва энергетика сектори	4 852,3	4 433,1	5 046,3	13%	613,2
<i>шундан, облигациялар*</i>	0,0	0,0	679,6	2%	679,6
Телекоммуникация сектори	225,5	193,6	112,0	0,3%	-81,6
Тўқимачилик сектори	162,7	253,5	317,7	1%	64,2
Тоғ-кон ва металлургия саноати сектори	1,5	323,7	985,6	2%	661,9
Бошқа секторлар	601,6	1 329,4	2 033,9	5%	704,5
